

ЎЗБЕКИСТОН ВА ИСРОИЛ АЛОҚАЛАРИНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ

Зокиров Шохрухбек Турғунбой ўғли

Мустақил изланувчи

АННОТАЦИЯ

Мустақил Ўзбекистон кўпвекторли ташқи сиёсат олиб бориши тамойиллари асосида Исроил давлати билан ҳам тенгликка ва ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик алоқларини йўлга қўйган. Бироқ шуни айтиши керакки, турли ички ва ташқи омиллар сабаб бу алоқалар мавжуд имониятлар даражасидан анча пастлигича қолмоқда. Шу билан бирга икки давлат ўзаро ҳамкорлик алоқаларини олиб боришида ўзаро зиддиятли вазиятлар ҳам кузатилган. Мақолада Исроил Ўзбекистон муносабатларнинг тарихий ривожланиши босқичлари, ўзаро манфаатлар ва айрим зиддиятли нуқталар таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: кўпвекторли ташқи сиёсат, Ўзбекистон-Исроил комиссияси "Ўзбекистон-Исроил" дўстлик жамияти, сиёсий яқинлашув, ўзаро муносабатларнинг совуқлашиши.

EVOLUTION OF RELATIONS BETWEEN UZBEKISTAN AND ISRAEL

ABSTRACT

Based on the principles of conducting a multi-vector foreign policy, independent Uzbekistan established cooperative relations with Israel based on equality and mutual interest. However, it should be said that due to various internal and external factors, these relations remain much lower than the level of existing beliefs. At the same time, conflicting situations were also observed in the course of mutual cooperation between the two countries. The article analyzes the stages of historical development of Israel-Uzbekistan relations, mutual interests and some points of conflict.

Key words: multi-vector foreign policy, Uzbekistan-Israel commission, "Uzbekistan-Israel" friendship society, political rapprochement, cooling of mutual relations.

КИРИШ

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу минтақалардаги Эрон, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Уммон сингари давлатлар билан мустақилликнинг илк йиллариданоқ дипломатик алоқлар ўрнатилган. Бу

минтақадаги давлатларнинг барчаси тарихий ва маданий жиҳатдан Ўзбекистонга яқин бўлган давлатлардир.

Шу билан бирга, Яқин Шарқ минтақасида давлат сифатида нисбатан кечроқ ташкил топган Исроил (1948 йил 15 май) халқи билан ҳам ўзбек халқининг алоқлари узок тарихга эга бўлиб, Амир Темур асос солган салтанатнинг йирик шаҳарларида, жумладан Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида яҳудий жамоалари маҳаллий аҳоли билан тинч ва ҳамкор бўлиб яшаганлиги тўғрисида тарихий манбаларда маълумотлар мавжуд.

Совет Иттифоқи кулаганидан сўнг жуда тез суръатларда бошланган Исроилнинг Марказий Осиёдаги дипломатик экспансияси, бугунги кунга келиб бир неча босқичлардан ўтди ва минтақанинг етакчи мамлакатларидан бири бўлган Ўзбекистон билан икки томонлама муносабатларда сезиларли ютуқларга эриша олди¹.

Ўзбекистоннинг Исроил билан алоқалари, икки давлат халқларининг тарихий алоқалари ва мамлакатларнинг прагматизмга асосланган муносабатлари, ўзаро ҳурмат ва манфаатларни ҳисобга олиш тамойилларига мувофиқ ҳамкорликнинг тенг ва прогрессив характери, шунингдек, томонларнинг турли даражадаги мулоқотларни фаоллаштиришга интилишлари билан ажралиб туради.

Ўзбекистон ва Исроил муносабатларининг мустақиллик йилларидан кейинги ҳолати таҳлил қилинар экан, бунда икки давлат алоқаларини ривожланиш ёки инқирозга учраган даврларини батафсил тадқиқ этиш мақсадида, бу даврларни босқичларга бўлиб ўрганиш эҳтиёжи туғилади.

Шу нуқтаи назардан, икки давлат халқлари бир неча асрлик алоқаларга эга бўлса-да, Ўзбекистон ва Исроил муносабатларини таҳлил қилиш учун қулайлик яратиш мақсадида 1991 йилдан 2021 йилгача бўлган давр шартли равишда қуйидаги тўртта босқичларга бўлиб ўрганилди.

Биринчи босқич (1991-1997 йиллар) - Икки давлат ўртасида дипломатик муносабатларнинг ўрнатилиши ва ҳамкорликнинг институционал асосининг яратилиши.

Бу даврда, мустақилликка эришган Ўзбекистон Республикаси дастлабки йилларда ички барқарорликни таъминлаш, ривожланган давлатлар билан алоқаларни йўлга қўйиш, дунё миқёсида ўз ўрнини эгаллашга ҳаракат қилади ҳамда Ўзбекистон ва Исроил давлатлари ўртасида дипломатик алоқалар

¹ Рыжов И.В. Характер внешнеполитической деятельности Государства Израиль в отношении стран Центрально-Азиатского региона (1992-2000 гг.), //Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского, 2009, № 1, С. 174.

ўрнатилиб, икки давлатнинг ўзаро муносабатлари мустақил ташқи сиёсат асосида шакллانганлиги билан тавсифланади.

Шунингдек, ушбу босқичда, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик жадал ривожланди ва унинг мазмуни икки давлатнинг ўзаро юқори даражадаги делегацияларининг ташрифлари чоғида имзоланган ҳужжатлар билан тўлдирилди.

Икки давлатнинг ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши Яқин Шарқ минтақасида кескинликлар, яъни Ироқнинг Кувайтга агрессияси ва Форс кўрфазида оғир инқирозли вазият вужудга келган бир даврда бошланган. Араб давлатлари ҳали ўзларининг минтақавий муаммоларини бартараф қилиш билан банд бўлган бир вақтда Исроил Марказий Осиёнинг янги республикаларида ўз ташқи сиёсатини фаоллаштиришга ҳаркат қилди.

Исроил Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини дунёда биринчилардан бўлиб, **1991 йил 25 декабрда** тан олди. 1992 йилнинг 21 феввалида эса Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Исроил Давлати ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганлиги тўғрисида ноталар алмашиш расмий маросими бўлиб ўтди. Ушбу ҳужжат ўз ҳукуматлари номидан Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири У.Абдураззаков ва Исроилнинг Россия Федерациясидаги элчиси А.Левин томонидан имзоланди ². Шу билан, Ўзбекистон Марказий Осиёда Исроил билан дипломатик алоқалар ўрнатган ва тан олган биринчи ва дунёда Туркия, Миср ва Иорданиядан кейин аҳолисининг асосий қисми мусулмонлар ташкил қилувчи тўртинчи мусулмон давлатга айланди.

Исроил Давлати 1992 йил май ойидан Исроилнинг Марказий Осиё минтақасидаги биринчи элчихонаси Тошкент шаҳрида ўз фаолиятини бошлади. Исроилнинг Ўзбекистондаги биринчи Фавқуллодда ва Мухтор элчиси И.Мэй-Ами 1992 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистоннинг Биринчи Президент И.Каримовга ишонч ёрлиғини топшириб ўз каденциясини бошлади ³.

***Маълумот учун:** Қозоғистонда туғилган ва 1980 йиллар бошида Исроилга репатриация қилган Исраэл Мей-Ами 1990-йилларда расмий Тель-Авивнинг Марказий Осиё минтақаси бўйича сиёсатининг асосий муаллифларидан бири ҳисобланади.*

² Заинутдинов Ш. Узбекистан и Израиль: наведены мосты сотрудничества: Общественно-политическая газета Республики Узбекистан «Правда Востока», № 39 (22759) 25 февраля 1992г., Веб сайт - <http://press.natlib.uz/ru/editions/30516>

³ Посол Израиля в Узбекистане Израэль Мей-Ами вручил верительные грамоты президенту Исламу Каримову//Веб сайт-<http://www.interfax-religion.ru/kaz/?act=archive&div=8156>.

Ўз навбатида, икки мамлакат расмийларининг келишувига мувофиқ 1992 йилнинг ноябрь ойидан Исроилнинг Рамат-Ган шаҳрида Ўзбекистоннинг Бош консулхонаси фаолият юрита бошлади. 1997 йилнинг март ойида эса Бош консулхонанинг мақоми элчихонага ўзгартирилди ва фаолиятини давом эттирди.

Дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан кейин икки давлатнинг алоқалари жуда тез ва юқори даражада ривожланди. Жумладан, 1992 йил август ойидан бошлаб Ўзбекистон ва Исроил ўртасида **тўғридан-тўғри авиа қатновлар** йўлга қўйилди.

1994 йилнинг 3-4 июль кунлари Исроил ташқи ишлар вазири Ш.Перес расмий ташриф билан Ўзбекистонга келади. Бу Яқин Шарқ минтақаси давлатларидан Ўзбекистонга амалга оширилган дастлабки нуфузли давлат ташрифларидан бири бўлди⁴. Жумладан, Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ва Исроил ташқи ишлар вазирлари С.Саидқосимов ва Ш.Перес ўртасида бўлиб ўтган музокаралар якунида икки давлат муносабатларини тартибга солувчи дастлабки ҳужжатлар имзоланди.

Исроилга биринчи юқори даражадаги расмий ташриф 1997-йил апрель ойида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А.Камилов томонидан амалга оширилди. Ташриф давомида томонлар ўртасида маданият, фан ва тиббиёт соҳаларида шартномалар имзоланди.

Умуман олганда, Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки етти йиллигида икки давлат ўртасидаги муносабатлар тез суръат билан ривожланган. Бунга икки давлатнинг ҳам ички барқарорликни ва ҳавфсизликни таъминлаш, ривожланган давлатлар билан алоқаларни яхшилаш, дунё миқёсида тан олиниш ва ўз ўрнини эгаллашга ҳаракати, дунёдаги актор давлатлар ва Исроилнинг янги мустақил Ўзбекистонни ўз таъсири остига олишга бўлган интилишлари сабаб бўлиши мумкин.

Иккинчи босқич (1998 - 2003 йиллар) – Давлатлараро муносабатларнинг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиши ва ўзаро ҳамкорликнинг ривожланиши. Бу даврда икки давлат ўртасидаги муносабатлар динамик ўзгарувчан характерга эгалиги билан фарқланади.

Хусусан, 1998 йилдан бошлаб ўзаро икки томонлама алоқаларнинг фаоллашганини кузатиш мумкин. Жумладан, Исроил Бош вазири Б.Нетаньяху, муҳофаа вазири И.Мордехай, саноат ва савдо вазири Н.Шаранский

⁴ Атеф Абу Сеиф. Международные отношения Израиля, контексты и инструменты, прорывы и неудачи. Палестина: Фонд Аль-Айям, 2014. Стр. 348.

Ўзбекистонга ташриф буюрди⁵ Жумладан, 1998 йил июль ойида Ўзбекистонга саноат ва савдо вазири Н.Шаранский бошчилигидаги Исроил ишбилармон доираларининг катта делегациясининг Тошкентга келиши икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масаласига Исроил томонининг жиддий истагини намоён қилди.

Ўзбек-исроил ҳамкорлик муносабатларининг янги босқичга кўтарилиши 1998-йил 14-16-сентябр кунлари Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримов Исроилга давлат ташриф билан боғлиқ. Олий даражадаги ташриф давомида турли соҳаларда 8 та ҳужжат имзоланди.

Шунингдек, иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Исроил комиссияси тузилди ва шу йилнинг ўзида Тошкент шаҳрида "Ўзбекистон-Исроил" дўстлик жамияти ташкил этилди.

Ўзбекистон Президенти ташриф арафасида ва ундан сўнг берган ОАВ интервьюсида исроилликларнинг саноат ва қишлоқ хўжалиги технологиялари соҳасидаги ютуқларига, ушбу давлатдаги юқори интеллектуал салоҳият даражасига ва Ўзбекистонда антисемитизм аломатларининг йўқлигига алоҳида эътибор қаратди. Шу билан, Ўзбекистон томонининг Исроил билан ҳамкорликдан манфаатдор эканлиги маълум қилинди ва бунинг учун қулай замин яратилганлиги қайд этилди⁶. Хусусан, И.Каримов Исроилнинг бир қатор йирик корхоналарига ташриф буюриб, исроиллик етакчи ишбилармон ва тадбиркорлар ҳамда бухоро яҳудийлари жамоаси вакиллари билан учрашди.

И.Каримов Исроилнинг йирик авиасаноат концерни ҳисобланган "Авиация саноати"ни бориб кўрди. Ушбу заводда учувчисиз бошқариладиган самолётлар ва авиация электроникаси соҳасидаги юқори технологиялар билан танишиб, муҳофаа саноати соҳасида Исроил билан ҳамкорликка катта қизиқиш билдирди.

Ўзбекистон Президентининг Исроилга ташрифи ҳамкорликдаги йирик лойиҳаларни амалга оширишга тўртки берди. Исроилнинг бир қатор компаниялари Ўзбекистон билан ҳамкорликка қўшилди. Жумладан, Исроилнинг етакчи компаниялари президентдан Ўзбекистон бозорида ишлаш таклифини олди. Исроилнинг энг йирик инжиниринг компанияларидан бири "Бейтман" Шўртан конини ўзлаштириш билан шуғулланиб, қиймати қарийб 200 млн. долларга баҳоланган сиқилган газ компрессор станциясини ишга туширди. Яна бир исроил компанияси "Метек" Олмалиқ ДАК билан биргаликда **молибден** ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ташкил этди.

⁵ Израиль и Республика Узбекистан: сотрудничество в экономической и социальной сфере. [Электронный ресурс] / ИБВ – Режим доступа: <http://www.iimes.ru/?p=13810>

⁶ Месамед В.И. Перспективы израильско-узбекского сотрудничества. К итогам визита президента Узбекистана в Израиль 14-16 сентября 1998 г. / В.И. Месамед // Центральная Азия и Кавказ, 1998, №1. с.7. – Режим доступа: http://www.ca-c.org/journal/cac-01-1998/st_06_mesam.shtml

Шу билан бирга, иккинчи босқичда, Ўзбекистоннинг диний фундаментализмига қарши курашда ҳамкорликка тайёрлиги ва Эронда ядро куролининг яратилиши борасида хавотир билдириши **Исроил билан сиёсий яқинлашувга сабаб бўлди**⁷. Чунки расмий Тошкентнинг бундай позицияси Исроил манфаатларига тўлиқ жавоб берар эди.

2003 йилнинг охиригача дунёда Ўзбекистон-Исроил ўртасидаги хавфсизлик, иқтисодиёт, юқори технологиялар, соғлиқни сақлаш каби соҳалардаги алоқалар муваффақиятли ҳамкорлик намунаси ҳисобланган.

Учинчи босқич (2004 йилдан 2016 йилгача) - **Икки давлат муносабатларида ўзига ҳос сиёсий стагнация ва Исроилнинг Ўзбекистон билан сиёсий соҳадаги ҳамкорлик алоқаларини қайта жонлантиришга қаратилган ҳаракатлари.**

Бу босқичда Исроилнинг Ўзбекистонга нисбатан ташқи сиёсати пассив ёндашув билан ажралиб турди. 2004 йилдан бошлаб мамлакатлар ўртасидаги алоқаларнинг суръати бир мунча секинлашганини кузатиш мумкин. Бундай ёндашув икки томонлама алоқаларнинг ривожланишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

Шунингдек, ушбу босқичда Ўзбекистон ва Исроил муносабатларида совуқлик ва эътиборсизлик кайфияти ҳукумрон бўлган. Айтиш мумкинки, бу давр бошида расмий Тель-Авив Тошкентга нисбатан ноқонструктив позицияда сиёсат олиб борган.

Жумладан, 2004 йил 30 июль куни “Исломий жиҳод иттиҳоди” террорчилик ташкилотининг террорчи-худкушлари томонидан Тошкент шаҳрида жойлашган Исроил ва АҚШ элчихоналари ҳамда Ўзбекистон Бош прокуратураси биноси олдида терактлар содир этилди. Террорчилар ҳужуми оқибатида Исроил ва АҚШ фуқароларига зиён етмади, АҚШ элчихонаси олдида ҳалок бўлган 2 киши ва Бош прокуратура биноси олдида яраланган 9 кишининг барча Ўзбекистон фуқаролари бўлди⁸.

Илгари Ўзбекистоннинг потенциал стратегик ҳамкори ҳисобланган Исроил билан муносабатлар 2004 йилнинг охири ва 2005 йилнинг бошларидан бошлаб сиёсий алоқалари совуқлашди. Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар 2005 йил май ойида Андижонда юз берган тартибсизликлар фонида чуқур **сиёсий стагнация ҳолатига ўтди**. АҚШ ва Европанинг аксарият давлатлари Ўзбекистонни қаттиқ танқид қилиб, ҳукуматга намоийишларни номутоносиб

⁷ Bishku M.B. The relations of the Central Asian Republics of Kazakhstan and Uzbekistan with Israel. Middle Eastern Studies. Vol. 48, November 2012, p. 935. [Electronic resource] – Mode of access: <http://dx.doi.org/10.1080/00263206.2012.723628>

⁸ Агентства РБК: В Ташкенте взорваны посольства США и Израиля // <https://www.rbc.ru/society/30/07/2004/5703bd669a7947afa08cb95a>

равишда қаттиқ куч ишлатишда айблаб баёноتلар билан чиқди. Исроил ва унинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича бир қатор нодавлат ташкилотлари расмий Тошкентнинг позициясини кескин танқид қилиб Ғарб давлатларининг позициясини қўллаб-қувватлади.

Хусусан, Андижон воқеалари муҳокамасига бағишланган БМТ Бош Асамблеясининг 2005-2006 йиллардаги 60-61-сессиялари ҳамда “Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистондаги вазият” масаласи бўйича БМТнинг учинчи Қўмитаси йиғилишлари доирасида Исроил Ўзбекистон позициясига қарши овоз берди. Ўз навбатида республика раҳбарияти расмий Тель-Авивнинг ушбу вазиятдаги ноқонструктив позициясига жавобан, Исроил билан икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ва олий ҳамда юқори даражадаги мулоқотларни тўхтатиб қўйди.⁹ Яъни, Ўзбекистон ҳукумати Исроил билан икки томонлама сиёсий ҳамкорлик алоқалари ривожини чеклаб, Исроилнинг БМТ қарорига қарши чиқишини истамаётганидан норозилигини шу тарзда билдирди.

Оқибатда, давлатлараро ҳамкорлик алоқалари суръатининг секинлашди, маълум даражада ҳар икки мамлакат томонидан бир-бирига нисбатан эътибор пасайди ва ҳамкорликка доир аввал қабул қилинган келишув ҳамда қарорлар амалга ошириш муддатлари кечиктирилди ёки умуман бекор қилинди. Бунга яққол мисол тариқасида Ўзбекистон ва Исроил ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим асосида 2000 йилда бошлаб ўтказилишига келишиб олинган Ўзбекистон-Исроил ҳукуматлараро комиссиясининг фаолияти маълум маънода тўхтатиб қўйилди. Жумладан, икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 1994 йилдан бери ўтказиб келинаётган сиёсий маслаҳатлашувларнинг ҳам ўтказилиши тўхтатилди.¹⁰

Ўзбекистонга стратегик ҳамкор деб ҳисоблаган Исроил халқаро майдонда, айниқса, БМТ доирасида расмий Тошкентни қўллаб-қувватлашини кутган эди. Лекин бундай бўлмади. 2005 йил июнь ойида Тошкентдаги АҚШ элчихонасидан ўрнат олиб, Исроил элчиси И.Мей-Амининг фаол иштирокида Исроил элчихонаси ходимларининг аксарият қисмини оила аъзолари билан бирга Ўзбекистондан эвакуация қилишга қарор қилинди. Исроил элчиси икки давлат ўртасидаги кескинлашган алоқаларни иситишга ўрнига, элчихона ходимларини эвакуация қилиши унинг дипломат сифатида катта ҳатоси сифатида баҳоланди.

⁹ Гольденштейн А. Новый посол, старая песня – Израилю не нужен Узбекистан. // IZRUS – Режим доступа: <http://izrus.co.il/dvuhstoronka/article/2013-06-25/>

¹⁰ Месамед В. Израильско — узбекистанские отношения выходят из засто, М.: 2017 // Веб сайт- <http://www.iimes.ru/?p=38250>

Ўзбекистон билан алоқаларнинг совуқлашиши натижасида Исроил расмий Остона ва Боку билан яқинлашди ва амалда Тошкентни ўзининг ташқи сиёсий манфаатлари кун тартибидан четга суриб қўйди.

Шу билан бирга, ушбу даврда Ўзбекистон-Исроил сиёсий алоқаларини сиёсий стагнациядан чиқариш ва муносабатларни қайта илиқлаштириш учун бир қатор Исроил парламенти Кнессетнинг асли келиб чиқиши Ўзбекистонлик бўлган депутатлари А.Либерман, Г.Саар, А.Коэн, Р.Илатов ва бошқалар томонидан йиллар давомида Исроил ҳукуматнинг расмий Тошкентга нисбатан муносабатини ўзгартиришга қаратилган ҳаракатларини кузатиш мумкин.

Хусусан, Андижон воқеаларидан сўнг Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаган ягона исроиллик сиёсатчи, “Исроил - бизнинг уйимиз” партияси лидери А.Либерман Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримовга шахсий мактуб йўллаб, расмий Тошкентнинг позициясини қўллаб-қувватлашини маълум қилди.¹¹

Маълумот учун: Авигодор Львович Либерман 1993 - 1996 йилларда Ликуд сиёсий партиясининг бош директори, 1996-1997-йилларда Ҳукумат бошлиғи вазирлигининг Бош директори, 1999 йилдан бошлаб "Бизнинг уй-Исроил" партиясининг асосчиси ва лидери. 2001-2002 йилларда Миллий инфратузилма вазири, 2003-2004 йилларда Транспорт вазири, 2006-2008 йилларда Стратегик режалаштириш вазири, 2009-2015 йилларда Ташқи ишлар вазири ва 2016-2018 йилларда Мудофаа вазири лавозимларида ишлаган. Хусусан, А.Либерман Исроилдаги арабларга нисбатан радикал сиёсат олиб бориши ва арабларга нисбатан тоқатсизлиги билан машҳур.

Молодовада тузилган Авигодорнинг хотини Элла Либерман 1978 йилда Тошкентдан Исроилга кўчиб ўтган бухоро яҳудийларига мансуб бўлиб, айнан Элланинг бевосита таъсири остида А.Либерманда ўзбеклар ва Ўзбекистонга нисбатан ижобий фикрлар шаклланган.

2007 йилнинг июнь ойида Тошкентга Исроил ташқи ишлар вазирлиги дипломатларидан иборат делегация ва август ойида Ўзбекистонга Исроил парламенти вице-спикери, А.Коэн бошчилигидаги Кнессет депутатлари делегацияси ташриф буюрди. Исроил парламентарийларининг ташрифи икки давлат ўртасидаги **парламентлараро ҳамкорликни ривожлантиришдаги биринчи қадам бўлди.**

2008 йилнинг ўрталарида Исроилдаги Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантириш тарафдорларидан ташкил топган сиёсатчиларнинг сайи-ҳаракатлари ҳамда 2009 йилдан А.Либерманнинг ташқи ишлар вазири

¹¹<http://axis-aia.com/wp-content/themes/izrus/img/9915.png>

лавозимини эгаллаши натижасида Исроилнинг Ўзбекистонга нисбатан ташқи сиёсати ўзгартирди ва расмий Тошкенти билан сиёсий алоқаларни қайта жонлантиришга киришилди. Шу йилнинг ўзида Исроил ҳукумати Марказий Осиё мамлакатларидаги барча элчиларини алмаштирди¹². Шу жумладан Исроил ташқи ишлар вазирининг маслаҳатчиси Х.Ньюман Ўзбекистонга элчи этиб тайинланди. Аммо Х.Ньюман элчилик каденцияси даврида ҳам икки давлат ўртасидаги сийсий стагнация ҳолати сақланиб қолди.

Хусусан, 2008 йилнинг октябрида Х.Нюмандан ишонч ёрлиғини қабул қилиб олган И.Каримов элчига **“Исроилнинг ўша пайтаги (2005 йил, Андижон воқеалари) позицияси икки томонлама муносабатларни совишининг асосий сабабларидан бири бўлди”** деб ўз фикрини билдириб ўтган¹³.

Шу билан бирга, икки давлат алоқаларининг илиқлашишига воситачи ва сабабчи бўлиши керак бўлган дипломатларни тайинлашда, Исроил томонидан асосан МДХ республикаларида иш тажрибасига ва кўникмасига эга бўлмаган, Марказий Осиё мамлакатларининг ўзига хос ташқи ва ички сиёсатининг хусусиятларини англаб етмайдиган ҳамда минатқада кенг муомалада бўлган рус тилини билмайдиган дипломатларни элчи сифатида тайинланиши муносабатларнинг сиёсий стагнация ҳолатида узоқ вақт қолиб кетишига асосий сабаблардан бири сифатида кўрасатиш мумкин.

2008 йилнинг баҳоридан бошлаб, Исроил расмийлари Марказий Осиёга тез-тез турли ташрифлар билан келиб кетганини кузатиш мумкин. Исроил расмийларининг Ўзбекистонга қилган қатор ташрифлари Исроилнинг минтақадаги сиёсатини мақсадли фаоллаштирилганидан далолат бери. Жумладан, 2008 йилнинг февраль ойида Исроил Бош вазирига бўйсунувчи, МДХ ва Болтиқ бўйи давлатлари яҳудийлари билан алоқалар бюроси “Натив” давлат ташкилотининг директори Н.Бен-Ами Марказий Осиё давлатлари бўйлаб турнеси доирасида Ўзбекистон амалий ташриф билан келди.

Шунингдек, 2005 йилдан бери ўтказилмай келинаётган икки давлат ташқи сиёсий идоралари ўртасидаги маслаҳатлашувларнинг навбатдаги доирасида иштирок этиш учун 2008 йил июнь ойида собиқ Исроил минтақавий ҳамкорлик

¹² Григорян А. Приоритетные направления внешней политики Израиля: Южный Кавказ и Центральная Азия. [Электронный ресурс] / А. Григорян // Фонд Нораванк – Режим доступа: http://www.noravank.am/rus/issues/detail.php?ELEMENT_ID=2713

¹³ Месамед В. Израильско — узбекистанские отношения выходят из засто, М.: 2017//Веб сайт- <http://www.iimes.ru/?p=38250>

вазирлиги бош директори, ташқи ишлар вазири ўринбосари М.Ваҳабе бошчилигидаги Исроил дипломатлари делегацияси Тошкентга келди¹⁴.

Ушбу босқичдаги икки томонлама муносабатлар таҳлили шуни кўрсатдики, Исроил расмийлари томонидан 2008-2009 йиллардан бошлаб, Ўзбекистон билан муносабатларни тиклашга жиддий ҳаракатларнинг бошланган. Жумладан, Ўзбекистон билан сиёсий алоқаларни яна устувор даражага кўтарилиши Исроилда ҳукуматида 2009 йилда президент Ш.Перес ва ташқи ишлар вазири А.Либермандан иборат тандем ҳосил қилингандан сўнг аниқ белгиланди. Бу икки сиёсатчининг поссовет маконидаги Исроилнинг ташқи сиёсий манфаатларини белгилашда ҳамфикрликдаги фаолияти мусулмон дунёси ва МДҲ мамлакатларида Исроил манфаатлари нуқтаи-назаридан кенг қамровли ёндашув сифатида тавсифланади¹⁵.

Жумладан, 2009 йил март ойида А.Либерман Исроил Ташқи ишлар вазири лавозимини эгаллашидан икки ҳафта олдин ОАВга берган интервьюсида куйидагиларни таъкидлади: “Марказий Осиё Исроил ташқи сиёсатида устувор бўлиши керак. Биз учун ушбу минтақа энг муҳим ҳисобланади. **Марказий Осиё учун калит бу - шубҳасиз Ўзбекистон**”¹⁶.

Бироқ, Ўзбекистон сиёсий элитаси томонидан 2005 йилда Исроил томонидан расмий Тошкентга нисбатан эгалланган позиция, Ўзбекистонга нисбатан “сотқинлик” деб қабул қилингани натижасида ҳосил бўлган “музлик”нинг ҳали эримаганлиги сабабли алоқалардаги сиёсий стагнация ҳолати давом этди. Хусусан, Исроил ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш стратегиясини фаол тарғиб қилган А.Либерман ташқи ишлар вазири сифатида икки мартта Қозоғистонга расмий ташриф билан келди, аммо Ўзбекистонга таклиф этилмади. 2009 йилда Исроил президенти Ш.Перес Марказий Осиё давлатлари турнесини давомида Ўзбекистонга ташриф буюриш таклифини дипломатик канал орқали (*расмий нота орқали*) билдирди. Лекин расмий Тошкент Исроил ташаббусини эътиборсиз қолдирди ва унинг Ўзбекистонга ташриф амалга ошмади¹⁷.

Ушбу босқичда, Исроил Ўзбекистон билан муносабатларни сиёсий стагнация ҳолатидан олиб чиқишга қаратилган уринишларини тўхтатмади. Жумладан, ЕХҲТга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари Кенгашининг 2009

¹⁴ Григорян А. Приоритетные направления внешней политики Израиля: Южный Кавказ и Центральная Азия. [Электронный ресурс] / А. Григорян // Фонд Нораванк – Режим доступа: http://www.noravank.am/rus/issues/detail.php?ELEMENT_ID=2713

¹⁵ Фальков М. Без боя: Иран победил Израиль в горах Памира. / М. Фальков // IZRUS – Режим доступа: <http://izrus.co.il/dvuhstoronka/article/2010-01-08/>

¹⁶ https://www.youtube.com/watch?v=gkX7ASH8qhc&t=28s&ab_channel=AnalyticsAcc

¹⁷ Bishku M.B. The relations of the Central Asian Republics of Kazakhstan and Uzbekistan with Israel. Middle Eastern Studies. Vol. 48, November 2012, p. 936. – Mode of access: <http://dx.doi.org/10.1080/00263206.2012.723628>

йилнинг декабрь ойида Грецияда бўлиб ўтган йиғилиши доирасида Исроил ташқи ишлар вазири А.Либерман ва Ўзбекистон ташқи ишлар вазири В.Норовларининг Афина шаҳрида учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда, Исроил томони икки давлат ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш масаласини яна бир бор кўтарди, аммо Ўзбекистон делегацияси томонидан ижобий жавоб бўлмади¹⁸.

2009 йилнинг 27 декабрида Ўзбекистонда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда хорижий (халқаро) кузатувчи давлат сифатида Исроилдан Кнессет депутатлари А.Коэн, Р.Илатов, Ф.Киршенбаум, Қуддус университети профессори В.Месамед, Исроил Бухоро яхудийлари жамоат ташкилоти раҳбари, “Маркази Осие - Исроил” маданият маркази директори М.Кимьягаров, МДХ ва Шарқий Европа мамлакатлари институти директори ва сайлов тизимларини ўрганиш халқаро маркази раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Ахборотномаси сиёсатшуноси А.Цинкер ва Қуддусдаги Ўзбек маданият маркази директори А.Бухорийлардан иборат делегация Тошкентга келди. Исроиллик парламентарийлар билан Ўзбекистон ҳукуматининг бир неча аъзолари, жумладан, ташқи ишлар вазири ўринбосари даражасида учрашувлар ташкил этилди. Ушбу учрашувлар, Ўзбекистон томонидан Исроил билан икки томонлама муносабатларни кенг кўламда тиклашга тайёр бўлмасада, Исроил билан алоқаларни сақлаб қолишдан манфаатдор эканини намоиш этди¹⁹.

2010 йилнинг июнь ойида, Ўзбекистон расман Ўрта Ер денгизининг Ғазо соҳилларида 30-31 май кунлари Исроил мудофаа армияси ва “**Free Gaza Movement**” ҳаракати фаоллари ўртасида бўлиб ўтган курулли можаро натижасида Исроил томонининг Ғазо Сектори аҳолиси учун учта йўловчи ва учта юк кемасида олиб кетилаётган 10 минг тоннага яқин инсонпарварлик ёрдами (*дори-дармон, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари*) ва Туркиянинг “Мави Мармара” кемасини қўлга олишдаги ҳаракатларини расман қоралади²⁰.

2012-йилнинг 23-24 февраль кунлари Ўзбекистонга Исроил таълим вазири, хавфсизлик масалалари бўйича Вазирлар Маҳкамаси аъзоси ва Кнессет депутати Г.Саар расмий ташриф билан келди. Ташриф давомида Г.Саар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Т.Ширинов ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазири Б.Ходиев билан бир қатор учрашувлар ўтказди. Ҳар икки

¹⁸ Гантман И. ОБСЕ: Израиль «теряет» форум для продвижения связей с СНГ. [Электронный ресурс] / И. Гантман // IZRUS – Режим доступа: <http://izrus.co.il/dvuhstoronka/article/2011-12-04/>

¹⁹ Зачем узбекские чиновники внезапно вступили в контакт с израильянами. [Электронный ресурс] / IZRUS – Режим доступа: <http://izrus.co.il/dvuhstoronka/article/2010-01-05/>

²⁰ Фальков М., Коган А. Палестина на продажу: кто «заткнул» мусульман СНГ. [Электронный ресурс] / М. Фальков, А. Коган// IZRUS – Режим доступа: <http://izrus.co.il/dvuhstoronka/article/2011-09-28/>

учрашув ҳам илиқ ва дўстона руҳда ўтди. Музокаралар давомида вазирлар икки мамлакат ўртасида бошланғич ва олий таълим соҳасидаги ҳамкорлик доирасида бир қатор масалаларни муҳокама қилиб, таълим соҳасидаги икки томонлама муносабатларни ривожлантириш имкониятларини ва истиқболдаги режаларни белгилаб олди²¹.

Жумладан, Г.Саар музокаралар давомида қуйидагича фикр билдирган: “Бугун Исроил кучли давлат ва яҳудий халқи ўзини ҳимоя қила олади. Афсуски, ҳар доим ҳам шундай бўлмаган. Иккинчи Жаҳон уруши даврида кўплаб яҳудийлар Ўзбекистонда паноҳ топишган. Ўз тарихида оғир пайтда яҳудий халқига ёрдамга қўлини узатган ўзбек халқининг меҳмондўстлигини ҳеч қачон унутмаймиз”²².

Маълумот учун: Гидеон Моше Саар – исроиллик сиёсатчи, Исроил парламенти Кнессетнинг 16, 17, 18, 19, 21, 22, 23, 24 чақириқ депутаты. 2009-2013 йилларда Исроил таълим вазири, 2013-2014 йилларда Исроил ички ишлар вазири. Г.Саарнинг онаси асли Самарқандлик бухоро яҳудийларидан бўлиб, бобоси Йонатан Софиев 1920 йилда большевиклар томонидан Бухоро амирлигининг босиб олингандан кейин бошқа қариндошларини билан бирга Самарқанд шаҳридан қочишга мажбур бўлган. Софиевлар оиласи Бухоро амирлигининг савдогарлар табақасига мансуб бўлган. Шунингдек, Софиевлар Бухоро амири Саййид Мир Мухаммад Олимхоннинг кредиторлари сафига кирган. Амир томонидан олиб борилган ислохотларни молиялаштирган.

Шунингдек, учрашувлар давомида Г.Саар яҳудий ва ўзбек халқини умумий тарих ва қадимий маданият бирлаштириб туришини таъкидлаб, “Яҳудийлар асрлар давомида Ўзбекистонда ўз урф-одатлари ва динларига эркин этиқод қилиб яшаганлар ва яшашда давом этмоқдалар. Халқларимиз ўртасида кўплаб умумий жиҳатлар бор. Умид қиламизки, келажакда дўстлигимиз фақат мустақамланиб боради” дея қўшимча қилган.²³

Исроил вазирининг ташрифи Ўзбекистон ва Исроил ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллигига тўғри келиди. Ушбу сана шарафига ташриф доирасида Тошкент шаҳридаги 243-сонли умумтаълим мактабида Исроил таълим вазири ва ОПТ (World OPT) халқаро ташкилоти

²¹ [https://mfa.gov.il/MFARUS/ForeignRelations/Bilateral%20relations/EuroAsia/Uzbekistan/Pages/Education_Minister_Saar_visits_Uzbekistan.aspx#//](https://mfa.gov.il/MFARUS/ForeignRelations/Bilateral%20relations/EuroAsia/Uzbekistan/Pages/Education_Minister_Saar_visits_Uzbekistan.aspx#/) Министр просвещения Израиля Гидеон Саар: "Мы никогда не забудем гостеприимство узбекского народа.

²² [https://mfa.gov.il/MFARUS/ForeignRelations/Bilateral%20relations/EuroAsia/Uzbekistan/Pages/Education_Minister_Saar_visits_Uzbekistan.aspx#//](https://mfa.gov.il/MFARUS/ForeignRelations/Bilateral%20relations/EuroAsia/Uzbekistan/Pages/Education_Minister_Saar_visits_Uzbekistan.aspx#/) Министр просвещения Израиля Гидеон Саар: "Мы никогда не забудем гостеприимство узбекского народа.

²³ [https://mfa.gov.il/MFARUS/ForeignRelations/Bilateral%20relations/EuroAsia/Uzbekistan/Pages/Education_Minister_Saar_visits_Uzbekistan.aspx#//](https://mfa.gov.il/MFARUS/ForeignRelations/Bilateral%20relations/EuroAsia/Uzbekistan/Pages/Education_Minister_Saar_visits_Uzbekistan.aspx#/) Министр просвещения Израиля Гидеон Саар: "Мы никогда не забудем гостеприимство узбекского народа.

ташаббуси билан совға тариқасида тақдим қилинган физика ва механикани чуқур ўргатишга ихтисослашган 20 дона робототехника ва компьютер синифининг очилиш маросими ўтказилди. Шунингдек Г.Саар бошчилигидаги делегация Тошкентдаги яхудий мактабига ҳам ташриф буюрди²⁴.

2013 йил август ойида Исроилнинг Ўзбекистондаги янги элчиси этиб тайинланган К.Шамир Тошкентга келди ва бу лавозимни 5 йил (2008-2013йй.) давомида эгаллаган Х.Нюманнинг ўрнини эгаллади. К.Шамир Исроилнинг мусулмон мамлакатда дипломатик миссияга раҳбарлик қилган биринчи яхудий аёл бўлди. Аммо К.Шамир ўз фаолияти давомида Марказий Осиё минтақаси ёки собиқ иттифоқ мамлакатларида ишламаганлиги ва Ўзбекистон таўқи сиёсати тўлиқ англаб етмаганлиги ва бошқа бир қатор омиллар таъсирида унинг элчилик фаолияти мобайнида ҳам икки томонлама алоқалар илиқлашмади ва стагнация давом этди.

2014-йилнинг 26-28-июн кунлари Ўзбекистонга Исроил қишлоқ хўжалиги вазири Я.Шамир бошчилигидаги делегация ташриф буюрди ва у Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Ш.Тешаев билан музокаралар ўтказди. Исроил делегацияси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Тошкент аграр университети, Тошкент қишлоқ хўжалиги мелиорация ва ирригация институти ҳамда Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида ҳам бўлиб, ҳамкорлик алоқаларини муҳокама қилди.

2016 йил март ойида Тошкентга ташқи ишлар вазирликлари ўртасида икки томонлама сиёсий маслаҳатлашувларнинг навбатдаги доирасида иштирок этиш учун Исроил ташқи ишлар вазирлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари Ж.Иссахаров бошчилигидаги делегация ташриф буюрди. Музокаралар давомида икки томонлама муносабатларнинг ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.²⁵

Шундай қилиб, ушбу босқичда Исроил томонидан муносабатларни сиёсий стагнациядан чиқаришга қаратилган харкатларга қарамай, алоқалар мавжуд потенциал даражасига кўтарилмади. Шунингдек, ушбу даврда Исроилда А.Либерман ва Ш.Пересдан ташқари, вазирлар У.Ландау, Ш.Симхон, Г.Саар ва С.Ландвер ҳамда келиб чиқиши ўзбекистонлик бўлган Кнессет депутатлар гуруҳи аъзолари Р.Илатов ва А.Коэнлар Ўзбекистон билан алоқаларни фаоллаштириш тарафдорлари сифатида ўртага чиқишди. Ўзбекистон-Исроил

²⁴ <https://embassies.gov.il/tashkent/NewsAndEvents/Pages/Nobel-Laureate-Shechtman.aspx> // Министр образования Израиля посетил Узбекистан. ²⁴ Делегация МИД Израиля прибудет в Узбекистан. / IZRUS – Режим доступа: http://izrus.co.il/print_article.php?article=30895

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти: Самимий кутловлар // <https://president.uz/uz/lists/view/121>

алоқаларининг кескин сустлашуви натижасида Исроилнинг Қозоғистон ва Озарбайжон билан ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор беришига олиб келди.

Тўртинчи босқич (2017 йилдан то бугунги кунгача) - Ўзбекистон-Исроил алоқаларининг сиёсий стагнациядан чиқиши ва давлатлар ўртасида сиёсий муносабатларнинг қайта жонланиши.

Ўтган ўн уч йил (2005-2017йй.) мобайнида Ўзбекистон-Исроил сиёсий алоқалари ўзининг паст динамикаси билан ажралиб турди ва ушбу босқичнинг илк йилларида турғунлик ҳолатини бартараф этиш учун амалий қадамлар ташлана бошланди.

Жумладан, 2016 йил 4 декабрь куни Ўзбекистонда бўлиб ўтган президентлик сайлови якунига кўра, Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакат раҳбари лавозимида сайланганидан сўнг Ўзбекистоннинг чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва очиқ ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлари аниқ белгилаб олингани ва дунёнинг барча манфаатдор мамлакатларига ҳамкорлик эшикларини очиши натижасида **Ўзбекистон-Исроил икки томонлама муносабатларида сақланиб қолаётган сиёсий стагнацияга барҳам берилди.**

Исроил президенти Р.Ривлин биринчилардан бўлиб, Ш.Мирзиёевни президентлик сайловдаги ишончли ғалабаси билан қутлаб, Ўзбекистон билан Исроил ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик янада мустаҳкамланишига ишонч билдирди²⁶.

Шунингдек, Исроил Бош вазири Б.Нетаньяху Ш.Мирзиёевни Исроил ҳукумати номидан самимий муборакбод этиб, йўллаган табрик ҳатида, “Исроил ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар бундан буён ҳам ривожланишига ишонаман. Сизни ўзингизга қулай вақтда Исроилга ташриф билан келишга таклиф этаман. Ташрифингиз давомида Қуддус шаҳрида Сизни қутлаш ва мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатлари ҳамда ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш менга мамнуният бағишлайди”- дея алоҳида таъкидлаб ўтди²⁷.

Шунингдек, сўнгги йиллар давомида янги Ўзбекистон раҳбариятининг ташқи сиёсатада хорижий мамлакатлар ҳамкорлик масалаларини қайта кўриб чиқиши ва ёндашувларни ўзгартириши жараёнида **Исроил билан сиёсий стагнацияга барҳам берилгани** ва узоқ йиллар давомида икки давлат

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти: Самимий қутловлар // <https://president.uz/uz/lists/view/144>

²⁷ “KUN.UZ” онлайн нашри: Шавкат Мирзиёев Исроил билан сиёсий мулоқот ривожлантирилишини таъкидлаб ўтди, Веб-сайт: <https://kun.uz/news/2017/03/24/savkat-mirzиеev-isroil-bilan-siesij-mulokotni-rivozlantirilisini-takidlab-utdi>

ўратсидаги ҳал этилмаган муаммоларга ечим топилишига қаратилган ҳаракатлар реал воқеликга айланди.

Жумладан. 2017 йил 21 февраль куни Ўзбекистон Республикаси билан Исроил Давлати ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан Исроил президенти Р.Ривлин Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевга табрик мактубини йўллади. Р.Ривлин ўз мактубида, “Ўтган 25 йил давомида мамлакатларимиз ўртасида шаклланган яхши муносабатлар Бизни Исроилда жуда қувонтиради ва фахрлантиради. Исроил дўст мамлакат Ўзбекистонни қатор соҳаларда ҳамкорлик қилиш бўйича ўзининг муҳим шериги ҳисоблайди. Ушбу ҳамкорлик мамлакатларимизга улкан фойда келтиради деб ҳисоблайман”, дея таъкидлади.

Шу билан бирга, Исроил президенти, “икки томонни ҳам ташвишга соладиган ва қизиқтирган масалаларни муҳокама қилиш ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги яхши муносабатлар ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш” учун Ўзбекистон Президентини **“орзиқиб кутилган фахрий меҳмон”** сифатида Исроилга давлат ташрифи билан келишга таклиф этди.²⁸

Ўз навбатида, Ш.Мирзиёев Исроил Давлати раҳбарига жавоб мактубини йўллаб, унда қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтди, “Биз ўзбек халқига самимий ва чуқур ҳурмат ҳиссини сақлаб келаётган асли Ўзбекистондан чиққан ва Исроилда яшаётган кишиларнинг бизнинг мамлакат билан алоқаларни узмай келаётганларини ҳамда икки томонлама ҳамкорликни изчил мустаҳкамлашга кўмаклашаётганларини юқори баҳолаймиз”.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти қуйидагича қўшимча қилиб, “25 йил давомида томонларнинг изчил саъй-ҳаракатлари натижасида ўзаро ҳурмат, ишонч ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойилларига асосланган узоқ муддатли ва кўп қиррали ҳамкорликни йўлга қўйишга эришилганидан” мамнунлигини изҳор этиб, “доимий ва самарали сиёсий мулоқотни ривожлантириш, табиий бойликларни тежайдиган ва энергетик жиҳатдан самарадор технологияларни жорий қилиш, мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат, тиббиёт ва фармацевтика, туризм соҳаларидаги ва бошқа кўплаб йўналишлардаги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш

²⁸ "KUN.UZ" онлайн нашри: Шавкат Мирзиёев Исроил билан сиёсий мулоқот ривожлантирилишини таъкидлаб ўтди, Веб-сайт: <https://kun.uz/news/2017/03/24/savkat-mirzиеev-isroil-bilan-siesij-mulokotni-rivozlantirilishini-takidlab-utdi>

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти: Ўзбекистон Республикаси Президенти хорижий давлатлар элчиларининг ишонч ёрликларини қабул қилди, Веб-сайт: // <https://president.uz/uz/lists/view/1524>

мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатлари йўлидаги икки томонлама муносабатларимизни мустаҳкамлашга кўмаклашади”²⁹ – деб қайд этди.

Исроил томонидан Ўзбекистон билан илиқ сийсий алоқаларни тиклашга бўлган жиддий қадамларидан бири бу 1993-1996 йилларда Исроилнинг Тошкентдаги элчихонасида биринчи котиб, дипломатик миссия раҳбари ўринбосари лавозимларида фаолият юритган ва кейинчалик Исроилнинг Минскдаги элчиси ҳамда Санкт-Петербург шаҳридаги Бош консули сифатида ишлаган, тажрибали дипломат Э.Шапиранинг Исроилнинг Ўзбекистондаги элчиси этиб тайинланиши бўлди. Э.Шапира 2017 йил 25 август куни Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А.Камиловга ишонч ёрлиғининг нусхасини топширди ва расман элчилик каденциясини бошлади.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев 2018 йил 28 февраль куни Исроилнинг мамлакатимиздаги элчиси этиб тайинланган Э.Шапирдан ишонч ёрлиғни қабул қилиб олди ва унга мамлакатимизнинг вазирлик, идора ва ташкилотлари билан фаол ишлаш, жойлардаги салоҳият ва имкониятлар, халқимизнинг бой тарихи ва маданияти билан яқиндан танишиш учун ҳудудларга тез-тез ташриф буюришни таклиф этди.

Шунингдек, президент томонидан Ўзбекистон Исроил билан ўзаро ҳурмат ва манфаатларни ҳисобга олиш тамойиллари асосида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор экани таъкидланди ҳамда Исроилнинг **илғор технологиялари, тажрибаси, илмий ютуқларини жалб этиш асосида биотехнологиялар, энергия ва сув ресурсларини тежаш, тиббиёт ва фармацевтика, туризм** каби йўналишларда кўшма лойиҳаларни амалга ошириш таклиф этилди. Таълим, маданият ва спорт соҳаларида мавжуд катта салоҳиятдан фойдаланиш муҳимлигига эътибор қаратилди³⁰.

Шу билан бир қаторда, икки томонлама сиёсий алоқларнинг янги даври бошланганининг тасдиғи сифатида 2019-йилнинг 18-20-февраль кунлари Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири ўринбосари Д.Ахатов бошчилигидаги делегация Ўзбекистон ва Исроил ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларининг бешинчи доирасида иштирок этиш учун Исроилга ташрифи амалга оширилди. Д.Ахатов ташриф доирасида Исроил ташқи ишлар вазири бош директори Ю.Ротем, Кнессет депутатлари Р.Илатов, К.Развозов,

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти: Ўзбекистон Республикаси Президенти хорижий давлатлар элчиларини қабул қилди // <https://president.uz/uz/lists/view/3898>

³⁰ <https://www.uzdaily.uz/ru/post/36157//Глава МИД Узбекистана принял Президента ВКБЕ;> <https://www.spot.uz/ru/2018/02/16/levaev/>, Веб-сайт: // В Узбекистан приехал Лев Леваев; О'zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar vazirligining rasmiy sayti: Buxoro yahudiylarining Butunjahon kongressi delegatsiyasi bilan uchrashuv // <https://mfa.uz/uz/press/news/2018/buxoro-yahudiylarining-butunjahon-kongressi-delegatsiyasi-bilan-uchrashuv---20937>.

Исроил туристик агентликлари ва консултантлари ассоциацияси (ИТТАА) бош директори Х.Собол, Экспорт ва халқаро ҳамкорлик институти раиси А.Барух, “Ашра” Исроил ташқи савдо таҳдидларини суғурталаш корпорацияси бошқарув директори Д.Клейн, ўз соҳаларида рақобатбардош илғор технологияларга эга йетакчи компаниялар раҳбарлари билан музокаралар ўтказди³¹.

2019 йилнинг май ойи охирида Исроил қишлоқ хўжалиги ва аграр соҳани ривожлантири Бош директорининг қишлоқ хўжалиги инновациялари масалалари бўйича биринчи ўринбосари М.Леви бошчилигидаги исроиллик қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассисларидан ташкил топган йирик делегация Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ташриф чоғида ўтказилган музокараларда, икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига, биринчи навбатда, Исроилнинг илғор қишлоқ хўжалиги технологиялари ва ушуб соҳада яратилган “ноу-хау”ларни Ўзбекистонда жорий этиш масалалари муҳокама қилинди.

Исроил делегациясининг ташрифдан кўзланган асосий мақсади бу Ўзбекистон билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва янада ривожлантиришдан иборат эди. Шундан келиб чиқиб, Тошкентга келган делегация таркиби **микросуғориш ва сувдан фойдаланиш, иссиқхона хўжалиги, паррандачилик, гўшт ва сут ишлаб чиқариш, кластер фермер хўжаликлари** ва бошқа соҳалардаги Исроилнинг энг етакчи 15 та компанияси вакилларларидан иборат бўлди.³²

2020 йил 16 октябрда Ш.Мирзиёев “Кўксарой” қароргоҳида хорижий давлатларнинг мамлакатимизга янги тайинланган элчиларидан ишонч ёрлиқларини қабул қилишга бағишланган тантанали маросимда Исроилнинг мамлакатимиздаги янги элчиси З.Бен Хиллелдан ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди. Маросимда Ўзбекистон Президенти томонидан Ўзбекистон ва Исроилни анъанавий шериклик муносабатлари яқиндан боғлаб туриши ва **икки давлат ўртасида конструктив сиёсий мулоқотни ривожлантириш**, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва илмий-техник алоқаларни фаоллаштириш ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида қайд этилди.

Элчи, З.Бен Хиллелга мамлакатларимиз ўртасида юқори технологиялар, энергия ва ресурсларни тежовчи ечимларни жорий этиш, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика ва тиббиёт, таълим, туризм соҳаларида кооперацияни кучайтириш таклиф этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Исроил Давлатидаги элчиси этиб тайинланган (*расман биринчи ўзбек аёл эчиси*) Ф.Маҳмудова 2020-йил 4

³² Месамед В. Израильско-узбекистанские отношения: новые импульсы к развитию, Институт Ближнего Востока, М.:2019, Веб сайт -<http://www.iimes.ru/?p=57327>

ноябрь куни Исроил давлати президенти Р.Ривлинга ишонч ёрлиғини топширди. Элчи томонидан, олий ва юқори даражадаги учрашувлар ҳамда сиёсий маслаҳатлашувларни мунтазам ўтказиш, икки томонлама Ҳукуматлараро комиссия фаолиятини бошлаш каби масалалар асосий мақсадлар сифатида белгилаб олинди.³³

Шунингдек, 2021 йил 11 январь куни Ўзбекистон ва Исроил ташқи ишлар вазирликларининг ҳуқуқий бошқармалари ўртасида икки томонлама ҳамкорликнинг шартнома-ҳуқуқий базасини кенгайтириш ва инвентаризация қилишга бағишланган маслаҳатлашувлар COVID-19 пандемияси сабали видеоконференц-алоқа шаклида ўтказилди³⁴.

2021 йил 16 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Т.Норбоева ва Исроил Кнессети спикери Я.Левин ўрасида онлайн-мулоқот ташкил этилди. Музокараларда парламенти раҳбарлари томонидан парламентлараро муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилиб, сўнгги йилларда икки давлат ўртасидаги кўп томонлама муносабатлар ривожланиб, парламентлараро алоқалар сезиларли даражада жонланганини эътироф этилди.³⁵

Шунингдек, жорий йилнинг 16 февраль куни Ўзбекистоннинг Исроилдаги элчихонаси кўмагида, Ўзбекистон Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Исроил Ташқи ишлар вазирлиги масъул ходимлари ўртасида видеоконференция форматида учрашув ўтказилди. Онлайн-мулоқотда Ўзбекистонда меҳнат мигрантлари учун касб-ҳунар таълими ва ўқитиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда икки давлат ўртасида меҳнат миграцияси соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари муҳокама қилинди.³⁶

Шунингдек, сўнгги йилларда фан соҳасида ҳам икки томонлама алоқаларнинг ривожланаётганини кузатиш мумкин. Жумладан 2021 йил 16 февраль куни Ўзбекистон Фанлар академияси ва Исроил Фанлар академияси ўртасида англашув Меморандумини онлайн шаклда имзолаш маросими бўлиб

³³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти: Ўзбекистон Республикаси Президенти хорижий давлатлар элчиларини қабул қилди // <https://president.uz/uz/lists/view/3898>

³⁴ "Дунё" ахборот агентлиги расмий веб-саҳифаси: Ўзбекистон ва Исроил ўртасидаги шартнома-ҳуқуқий базани кенгайтириш ва инвентаризация қилиш бўйича маслаҳатлашувлар ўтказилди//Веб-саҳифа: https://dunyo.info/cyrl/site/inner/ozbekiston_va_isroil_ortasidagi_shartnom%D2%B3uquqiy_bazani_kengaytirish_va_inventarizatsiya_qilish_boycha_masla%D2%B3atlashuvlar_otkazildi-flo

³⁵ "Дунё" ахборот агентлиги расмий веб-саҳифаси: Ўзбекистон Сенати раиси Исроил Кнессети спикери билан онлайн-мулоқот ўтказди // Веб-саҳифа: https://dunyo.info/cyrl/site/inner/ozbekiston_senati_raisi_isroil_knesseti_spikeri_bilan_onlayn-muloqot_otkazdi-5n7

³⁶ "Дунё" ахборот агентлиги расмий веб-саҳифаси: Ўзбекистон Исроил билан меҳнат миграцияси соҳасида ҳамкорликни чуқурлаштириш тарафдори // Веб саҳифа: https://dunyo.info/cyrl/site/inner/ozbekiston_isroil_bilan_me%D2%B3nat_migratsiyasi_so%D2%B3asida_%D2%B3amkorlikni_chuqurlashtirish_tarafdori-d-3

ўтди. Хужжатни Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Б.Йўлдошев ва Исроил Фанлар академияси президенти Н.Коэн имзолади.

Ушбу меморандум Ўзбекистон ва Исроил илмий-тадқиқот доиралари ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот ва ҳамкорлик қилиш учун асос яратилганлигини англатади. Музокаралар давомида исроиллик олимлар Ўзбекистон билан қўшма тадқиқотлар ўтказиш, илмий лойиҳаларда иштирок этиш, турли йўналишлар бўйича “давра суҳбатлари” ва семинарлар ташкил этиш соҳасида ўзаро кун тартибини илгари суришга тайёрлигини таъкидлади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Фанлар академияси делегацияси 2021 йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтадиган Исроил Фанлар академияси ташкил топганининг 60 йиллигига бағишланган конференцияда иштирок этиш учун Исроилга расман таклиф қилинди.³⁷

Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Президенти этиб сайланганидан сўнг икки давлат алоқалари сиёсий стагнация ҳолатидан тўлиқ чиқди деб хулоса қилиш мумкин. Шунингдек, 2017 йил бошидан мамлакатлар ўрсатида ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган амалий ҳаракатлар бугунги кунда **Ўзбекистон-Исроил муносабатларига тўсиқ бўлувчи асоснинг мавжуд эмаслигини англатади.**

Умуман олганда, Ўзбекистон ва Исроил муносабатларини босқичларга бўлишда ўтган йиллар давомида икки ва кўп томонлама алоқалардаги ўзгаришлар асосий меъзон бўлиб ҳизмат қилди. Икки давлат алоқаларини ретроспектив (тарихий ривожланиш) таҳлил усулидан фойдаланган ҳолда, маълум даврларга бўлиш асосида таҳлил қилиш, мавжуд ўзгаришларнинг алоҳида жиҳатларини ажратиш олишга ва тўлиқ ёритиб беришга имкон яратди.

Шунингдек, Ўзбекистон-Исроил алоқаларида юқоридаги босқичлар мобайнидаги ўзгаришларга нафақат икки давлат сиёсий элиталарининг субъектив қарашлари, балки, молиявий-иқтисодий инқирозлар, деструктив гуруҳларнинг ҳаракатлари, учинчи давлатларнинг таъсири ҳамда жаҳон ҳамжамиятида юзага келган айрим ҳолатлар ҳам сабаб бўлган.

³⁷ "Дунё" ахборот агентлиги расмий веб-саҳифаси: Ўзбекистон ва Исроил Фанлар академиялари ўртасида англашув Меморандуми имзоланди // Веб-саҳифа: https://dunyo.info/cyrl/site/inner/ozbekiston_va_isroil_fanlar_akademiyalari_ortasida__anglashuv_memorandumi_imzolandi-wOy